



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

«Ташаббус — 2016»

## Тадбиркорларнинг ташаббускорлик салоҳияти намоёйиши

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2016» кўрик-танловининг республика босқичи якунланди.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ташкил этилган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танлови 20 йилдан бундан буён ўтказиб келинмоқда. Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши ва «Хунарманд» уюшмаси томонидан вазирлик ва идоралар кўмагида ташкил этилди.

Тадбиркорларнинг ҳар йили ўтказилаётган ушбу ташаббус марафони халқимизнинг ҳар бир оила, бутун юртимиз фаровонлиги учун интилаётганидан далолат беради. «Ташаббус — 2016» кўрик-танлови ҳам бунини ёрқин тасдиқлади. Танловда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, ички бозорини сифатли товар ва хизматлар билан тўлдириб, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ҳамда бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нечоғли муҳим ўрин тутгани намоён бўлди. Ушбу форумда иштирок этиш истагида бўлганлар сони йилдан-йилга орттириб бораётгани унинг аҳамияти ва кўлами кенгайиб бораётганидан далолат беради. Масалан, жорий йилда ушбу танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 7 минг 700 дан зиёд тадбиркор, фермер ва хунарманд қатнашди. Уларнинг 540 нафардан

ортиги ҳудудий босқичларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ҳакамларнинг юқори баҳолига сазовор бўлган 41 иштирокчи «Ташаббус — 2016» кўрик-танловининг мамлакат босқичига йўланма олди. «Туркистон» саройида ташкил этилган экспозицияда озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббиёт препаратлари, маиший техника, либослар, меҳнат маҳсулотлари, заргарлик безаклари, гиллалар, қурилиш материаллари ва бошқа кўпгаб маҳсулотлар тақдим этилди. Ҳар бир экспонент тендида тадбиркорлик фаолиятининг ютуқлари ва имкониятлари намоёйиш қилинди. Қорақалпоғистонлик тадбиркор Муротбек Танирбергенов улардан бири. Унинг 2009 йилда фаолият бошлаган «Muratbek Mebel» корхонасида уй ва офис учун юқори сифатли ва замона-

вий дизайндаги меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. 2015 йилда маҳсулот турини кўпайтириш мақсадида Италия ва Германиядан маҳсулотларни келтириб ўрнатди. Бу эса ISO 9001-2015 халқаро сифат стандартига эга бўлиш имконини берди. — 2014 йилда қиймати 2,4 миллиард сўмлик меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқарди, — дейди М.Танирбергенов. — Утган йили бу кўрсаткич 3,4 миллиард сўмдан ошди ва бу йил сайин ривожланиб бораётганимиздан далолат беради. Бундай самарадорликка Президентимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаётгани, мамлакатимизда бизнес юритиш учун янада қўлай шароитлар яратилаётгани, имтиёз ва преференциялар берилаётгани туфайли эришмоқдамиз. Дарҳақиқат, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига самарали фаолият кўрсатиши учун кенг имкониятлар яратилган. Бу борада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мамлакатимиз янги ички маҳсулот таркибига хусусий сектор улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан ўтган йили 56,7 фоизга

етди. Аини пайтда саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи иқтисодиётимизнинг ушбу секторига ишлаб чиқарилаётди. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги имкониятларни янада кенгайтирди. Сурхондарёлик Хушбоқ Эшназаров ҳам мамлакатимизда яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб келаётган фермерлардан. Унинг кўп тармоқли «Нурмат Хўжақулов» фермер хўжалигида пахта, галла етиштириши билан бирга, қорамол, парранда парваришланмоқда. Интенсив олма боғи, бодиринг, помидор ва лимон етиштириладиган иссиқхоналар барпо этилган. Бундан ташқари, сутни қайта ишлаш ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ҳам фаолият кўрсатмоқда.

»(2).



## Тараққиёт манзаралари

### Олтинсойда янги боғ

Олтинсой туманидаги Ҳазорбоғ канали бўйида 10 гектар ерда ҳашар йўли билан маданият ва истироҳат боғи бунёд этишга киришилди.

Аини пайтда тумандаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар, касб-хунар коллежлари, мактаб жамоалари ва ҳиммати баланд тадбиркорлар боғни барпо этишга ҳисса қўшишмоқда. Уларнинг ёрдами билан икки минг тупдан ортиқ каталка, япон сафораси, каштан, келн, мажнунтол каби манзарали дарахт ва ранг-баранг гул кўчатлари ўтказилди. — Боғимиз келгусида аҳоли учун чинакам ҳордиқ чиқарадиган масканга айланади. Бу ерда турли аттракционлар, амфитеатр, теннис корти, ўйингоҳлар қуриш режалаштирилган, — дейди Олтинсой туман ҳокими Холмамат Самадов. — Маданият ва истироҳат боғи ёнида ёшлар хийбони ҳам барпо этилади.

Рустам ДАВЛАТОВ,  
«Ishonch» мухбири

### Қишлоқда замонавий иншоот

Кўча қишлоғи Жондор туманидаги аҳоли зич яшайдиган гўшалардан. Кейинги йилларда бу ерда бунёд этилаётган шинам уй-жойлар, маданий-маиший объектлар сони кўпайиб, қишлоқ чиройига чирой қўшилмоқда. Яқинда қишлоқда замонавий лойиҳалар асосидаги новвойхона, ошхона ва савдо дўконидан иборат кўш қаватли кўркам иншоот фойдаланишга топширилди.

— Аҳолига бугунги давр талабига мос даражада хизмат кўрсатиш, ёшларга янги иш ўринлари яратиш мақсадида бошлаган ишларимиз изчил давом эттирилмоқда, — дейди «Жондорулғур-жисавдоинвест» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Қаҳрамон Мухторов. — Дастлабки босқичда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Бухоро вилоят бўлимидан олган имтиёзли кредит эвазига Туркиядан технологик ускуналарни келтириб ўрнатдик, нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Янги технология бир кеча-кундузда 7 тоннагача унни қайта ишлаш ва ундан 30 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Тайёрлаётган маҳсулотларимизга талаб кун сайин орттириб борапти.

Корхона иш бошлаган пайтдаёқ 23 нафар ишчи-ҳодимни бирлаштирган касба уюшма ташкилоти тузилди. Катта ҳаёт тажрибасига эга Оллоберди Асадов касабакўм раислигига сайланди. Маъмурият билан ижтимоий шериклик асосида ишловчиларга қатор қулайлик ва имтиёзлар яратилмоқда.

Аини пайтда ошхона ва савдо дўконида жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу юмушлар поёнига етказилган, жамоа аъзолари яна 5 нафарга кўпаяди.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

### Истиқлол соати

Қашқадарё вилоятининг қайси туманида борманг, у ерда улкан бунёдкорлик ишларига кўзингиз тушайди.

Бу ўзгаришлар, қурилиш-бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари вилоят маркази Қарши шаҳрида ҳам қизибди.

Яқинда шаҳар марказида улкан курант — соат ишга тушди. Шаҳар кўрғига кўрк қўшиб турган бу маҳобатли соат худди истиқлолнинг мангулигини, халқнинг саодатли дамлари, қувончи ва шиддати давомийлигини акс этгандек, гўё...

Акмал АБДИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги олдида Фарғона вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида «Амир Темур — буюк давлат арбоби» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Президентимиз раҳнамолигида миллий ўзлигимизни англаш, хусусан, Амир Темур шахсининг жаҳон ва мамлакатимиз, халқимиз тарихида тутган ўрни, миллий давлатчилигимиз шаклланишига қўшган бекиёс ҳиссаси кенг ўрганилаётгани алоҳида таъкидланди. Мустақиллик йилларида тарихимизни чуқур тадқиқ этиш жараҳида Амир Темур шахси, унинг жаҳон тарихида тутган ўрни, давлатчилик борасида қолдирган бой амалий ва назарий меросини ўрганиш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳибқирон бобомизнинг бунёдкорлик ишлари, давлат бошқаруви, ҳарбий соҳалардаги фаолияти неча аср ўтса-да, ўз қадр-қимматини йўқотмай, навқирон авлод тарбияси йўлида хизмат қилмоқда.

»(4).

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

## Намунали тиббиёт хонаси фойдаланишга топширилди



Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Соғлом она ва бола йили ҳамда Жаҳон саломатлик кунига бағишланган маърифий тадбир ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдураимова ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида хотин-қизлар сало-

матлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари эканини таъкидлади.

Кўмига томонидан таълим масканларида тиббиёт хоналари ташкил этилиб, зарур жиҳоз ва тиббий ускуналар билан таъминланмоқда. Мазкур тиббиёт хоналари ўқувчилар ва мактаб педагогик жамоасига бирламчи тиббий-санитария ва профилактик ёрдам кўрсатиш, тиббий маданиятни юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Тадбир доирасида Миробод туманидаги 57-иختисослаштирилган мактабда намунали тиббиёт хонасининг очилиши бўлиб ўтди. — Саломатлик ҳар бир инсон учун тенгсиз бойлиқдир, — дейди мактаб директори Светлана Железнякова. — Мактабимизда ақлий ривожланиши, таъин-ҳаракат аъзоларида хасталиқлар бўлган болалар билим олади. Янги ташкил этилган тиббиёт хонаси уларнинг саломатлигини доимий назорат этиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

ЎзА фотомухбири Темура МАМАДАМИНОВ олган сурат.

Форум

## Ўзаро тажриба алмашиш — самарадорлик омили

Тошкентда бошланғич касба уюшма ташкилотлари етакчиларининг II Республика Форуми бўлиб ўтди

Унда тармоқ ва ҳудудий касба уюшма ташкилотлари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бошланғич касба уюшма ташкилотлари етакчилари ҳамда фаоллар иштирок этди.

Мазкур форум бошланғич касба уюшма ташкилотлари иш фаолияти самарадорлигини янада ошириш, касба уюшма фаолларининг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, долзарб вазифалар ва истиқболли режаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича ўзаро тажриба алмашишга имкон яратиш берганлиги билан аҳамиятлидир.

Даставвал, йиғилганлар турли тармоқ касба уюшмалари тизимидаги намунали бошланғич касба уюшма кўмиталари фаолиятига оид кўргазмани қизиқиш билан томоша қилди-

лар. Жамоа шартномалари ва унинг ижроси назоратга олинган бошқа ҳужжатлар, шунингдек, турли тадбирлар ўз аксини топган стенд ва фотосуратлар меҳнатқашлар манфаати устувор эканлигини яна бир бор тасдиқлагандек бўлди. Касба уюшма ташкилотлари фаол бўлган корхона ва ташкилотлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар намоёйиши аҳиллик бор жойда муваффақиятларга кенг йўл очилишидан далолат бериб турибди.

Форумда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси

Танзила Нарбаева иштирок этди ва сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан бошланғич касба уюшма ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг корхона, ташкилот ва муассасалар ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ва ролини ошириш соҳасида тизимли ишлар амалга оширилди. Шу мақсадда «Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касба уюшмаси ташкилоти тўғрисида намунавий Низом» ишлаб чиқилиб, амалиётда қўллаш учун тасдиқланди. 2011 йилдан бошлаб ҳудудлардаги касба уюшма ташкилотларига мажмуавий амалий

ёрдам кўрсатиш тизими жорий этилди. Шунингдек, республика миқёсида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови йўлга қўйилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳудудларда барча тармоқ касба уюшмалари фаолиятини намунали йўлга қўйишга қаратилган ишлар бугун ўз самарасини бермоқда.

2013 йилда илк бор ўтказилган бошланғич ташкилотлар етакчиларининг I Республика форумида тасдиқланган «Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш дастури» касба уюшма кўмиталарининг иш беришчилар билан ижтимоий шериклигини қучайтиришда муҳим омили бўлди. Натижада, аъзолар меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахслар-

нинг жамоа-шартномавий муносабатлари билан қамраб олиниши кўрсаткичи 2013 — 2015 йиллар давомида 3,0 фоизга орттириб, 99,3 фоизни ташкил қилди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган жамоа шартномалари 2013 йилдаги 97,5 мингтадан бугунга келиб 122 мингтага кўпайди. Ҳозирда мамлакатимиздаги корхона, ташкилот ва муассасаларда 37 минг 457 та бошланғич касба уюшма ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Улар 6 млн. 200 минг нафардан зиёд аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келаётди.

»(2).

# Ўзаро тажриба алмашиш — самарадорлик омили

Ў(1).

Касаба уюмлари тизимини модернизация қилиш борасидаги таъсирчан чора-тадбирлар натижасида бошланғич тақдирларнинг молиявий имконияти сезиларли даражада кенгайтирилди. Бу ўз навбатида касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириб, нафақат ходимлар, балки уларнинг яқин қариндошларини санаторийларга имтиёзли йўлланмалар билан таъминлашга шaroит яратди. Хусусан, аъзолар учун аввалгидек 5 йилда эмас, балки ҳар 2 йилда тизимдаги санаторийларга имтиёзли йўлланма олиш имкони юзага келди. Йўлланма нархининг ходим томонидан тўланадиган миқдори 50 фоиздан 45 фоизга туширилди. Эндиликда касаба уюшма бюджети ҳисобидан ажратилган йўлланмалардан меҳнатқашларнинг яқин қариндошлари: ота-онаси, турмуш ўртоғи ёки фарзандлари фойдаланиши мумкин.

Тизимни такомиллаштириш мақсадида амалга оширилган ислохотлар самараси ўларoқ, ҳозирда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари тузилишига эришиш, бу орқали ҳар бир ходимнинг ижтимоий ҳимоя билан қамраб олинishi, ходимлар олдида иш бeрyвчи ва касаба уюшма вакилларининг жамоа шартномалари ижроси тўғрисида ҳисобот бeриши бoрилишини таъминлаш устувор вазифалар қаторидан ўрин олди. Шу ўринда қайд этиш керакики, нoдавлат нотижoрат ташкилотлари, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларини касаба уюшмаларига жалб этиш борасида тизимли сaй-ҳаракатлар олиб бoрилаётгани диққатга сазовор.

Бош келишувдан кeлиб чиққан ҳoлда жамоа шартнома ва кeлишувлар мазмун-мoҳиятининг бойитилишини нафақат ходимлар, балки улар оила аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаати ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоя



сини ҳам кучайтирди. Хусусан, ушбу локал ҳужжатларга хотин-қизлар ва ёшлар манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга оид янги бўлим ва бандлар киритилиб, улар учун имтиёзлар кўлами кенгайтирилди. Хотин-қизлар учун кўшимча таътиллاردан фойдаланиш, ёш оилалар учун фoизсиз сoудалар бeриши, ёш болали оналарга моддий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий ҳимоятлаб оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш имкониятлари яратилди.

Тизимда олиб бoрилган сaй-ҳаракатлар натижасида жамоа шартномаларининг сифати ва самарадорлиги oшиб, 2013 йилда уларда кўзда тутилган тадбирларни бажариш учун ўрта ҳисoбда бир ходимга 1 млн. 115 минг сўм сарфланган бўлса, 2015 йилга кeлиб 1 млн. 539,6 минг сўмдан 7 млн. сўмгача маблағ сарфланишига

эришилди. Амалдаги жамоа шартнома ва кeлишувлари орқали 2014 — 2015 йилларда 267 минг нафардан oртиқ фўқаро ва 246 мингга яқин оилага 253,2 млрд. сўмлик ижтимоий кўмак бeрилди. Ижтимоий ҳимоятлаб шахсларни ишга жойлаштириш масаласи бошланғич тақдирлар назоратига олиниб, 2013 — 2015 йиллар мoбaй-нида мазкур тоифадагилар учун квoталанган иш ўринларига 218 минг 857 нафар фўқаронинг жойлаштирилишига кўмаклашилди.

Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида бошланғич ташкилотларнинг асосий эътибори ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилиб, ўтган йилда жамоа шартномаларига меҳнат муҳофазаси бўйича киритилган чора-тадбирлар

сонини 560 мингтани ташкил қилгани ҳoлда, уларнинг 96,5 фоизи бажарилишига эришилди. Натижада, бугунга кeлиб корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаб чиқаришда жарoҳатланиш ҳoлатларининг олди олинишида ижобий жараён кузатилмоқда. Касаба уюшмалари ходимларнинг хавфсиз ва кўлай меҳнат шaroитлари билан таъминланиши бaрoбарида, иш жойида маиший ва дам олиш шaroити яратилиши, профилактик oзиқ-oвқат маҳсулотлари билан таъминланиши борасида ҳам жамоатчилик назоратини яқин бoрмоқда.

Меҳнат жамоаларида ҳозирда 19 мингдан oртиқ корхона, ташкилот ва муассасалардаги қарор қабул қилувчи органлар таркибига бошланғич ташкилотлар вакиллари, киритилиб, улар «ҳодимларнинг» ижтимоий-иқтисодий манфаати билан боғлиқ масалаларда фаол иштирок этиб кeлмоқда.

Маданий-маърифий ва спорт тадбирларини тизимли ташкил этиш, спортнинг oммавийлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилган сaй-ҳаракатлар натижасида ҳoдимлар ўртасида спортни ривожлантириш, ишдан ажралмаган ҳoлда саломатлик гимнастикаси ўтказилишини таъминлаш ишлари йўлга қўйилди. Бу орқали соғлом турмуш тарзи тарғиботи таъсирчанлик бахш этиш билан бирга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ҳам мунoсиб ҳисса қўшилмоқда.

Фoрум давомида юқоридаги каби қатор йўналишларда олиб бoрилаётган ишлар чуқур таҳлил этилиб, илгор ва намунали тажрибага эга касаба уюшма кўмиталари фаолиятига оид тақдиротлар ўтказилди. Хусусан, «Янги-Ангрeн иссиқлик электр станцияси» АЖ, Мудoфaага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Тошкeн бирлашган техника мактаби» бошланғич касаба уюшма кўмиталари томонидан ҳoдимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси соҳасидаги иш тажрибалари кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотди.

Яна бир жиҳат бўлиб, бошланғич ташкилотлар раислари учун амалий машғулотлар ўтказилгани бўлди. Федерация Кенгаши мутахассислари модераторликтида касаба уюшмалари фаолиятининг барча устувор йўналишлари бўйича ташкил этилган машғулотларда иштирокчиларнинг бошланғич ташкилотларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ҳимоя функцияларини амалга ошириш, ҳoдимлар учун хавфсиз ва мунoсиб меҳнат шaroитини яратиш, иш бeрyвчилар билан ижтимоий шерикликни ривожлантириш, меҳнат мунoсabatларини ижтимоий шериклик асосида тартибга солиш йўналишларига оид билимлари янада мустаҳкамланиши йўлида муҳим қадам ташланди. Шунингдек, бошланғичлар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича 2016 — 2017 йилларга мўлжалланган дастур лoйиҳаси муҳoқама этилди.

Яқиний яқин йиғилишида эса муҳoқамалар яқини юзасидан тақдирлар билан танишилди. Фoрум дастури доирасида иштирокчиларга республика касаба уюшмалари ҳаракатида бошланғич ташкилотларнинг тугган ўрни ва рoлини ошириш борасида тегишли тавсия ва йўриқлар бeрилди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари,  
**Акмал ТОШЕВ,**  
**Давронбек ОРМОВ,**  
**«Ishonch» мухбирлари,**  
Икром ХАСАНОВ олган сурат.

# Тадбиркорларнинг ташаббускорлик салоҳияти намоёйиши

Ў(1).

Фермер ўз маҳсулотларини «Туркистон» саройида кенг намоёйиш қилди. Ҳўжалик ютуқлари билан қизққан иштирокчилар бизнес юри-тиш борасида тажриба алмашди. Бундай салмоқли ютуқларга қандай эришингиз, деган саволга фермер шундай жавоб берди:

— Саховали тазминини фаровонлигимиз манбаидир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ердан унумли фойдаланиш учун барча ҳуқуқий ва иқтисодий шaroитлар яратилган. Айнан шу боис бугун биз нафақат қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш, балки пешона теримиз билан етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни экспорт қилиш имкониятига ҳам эгамиз. Илгари булар ҳақида ҳатто орзу ҳам қилолмас эдик.

Мустақиллик йилларида қишлоқ ҳўжалигида кенг қўламли таркибий ўзгаришлар рўй берди. Ҳозирги кунда фермер ҳўжаликлари ҳақли равишда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғини ва уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Фермерларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳар йили мўл ҳосил етиштирилмоқда. Масалан, 2015 йилда 7,5 миллион тоннадан зиёд галла, 3,5 миллион тоннадан oртиқ пахта, 12,5 миллион тоннадан oртиқ сабзавот, 1,8 миллион тонна полиз маҳсулотлари ва 2,7 миллион тоннадан зиёд мева йиғиштириб олинди.

Хўнармандларнинг ранг-баранг стендлари «Ташаббус — 2016» кўрик-танловига келганларнинг алоҳида эътиборини тортиди. Халқ усталари томонидан яратилган ноёб буюмларни кўриб, уларнинг бадиий фантазияси ва маҳоратига қўйил қоласиз. Бу ерда Шарқ миниатюраси асарлари, ёғочдан ясалган, сопол буюмлар, заргарлик безаклари, болалар кровати ва бешиклар, бошқа кўпжа турли маҳсулотларни кўриш мумкин.

— Илгари хўнармандлар турли тақирлар сабабли уйда яширинча ишлашга мажбур эдилар, — дейди Тошкeн вилoйатидан Муроджон Ўрмонов. — Бошқача айланганда, эркин фаолият юритиш, истеъдод ва ижодий салоҳиятни намоёйиш қилиш учун шaroит йўқ эди. Мустақиллик туфайли маҳсулотларимизни эркин ишлаб чиқариш, сотиш, ҳатто халқаро кўргазмаларда катнашиш имкониятига эга бўлдиқ. Ўтган йили 45 миллион сўм соф даромад олдим ва бу кўрсаткич янада ошишига ишонаман. Негаки, катта режалар тугзганман.

Ҳа, бугун тадбиркор хўнармандларимиз шундай истиқболли режаларга эга. Зeрo, Ўзбекистонда маданий анъаналаримизни асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш, халқ усталарини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни Наврўз кунлари тадбиркорлар ўзининг хилма-хил сифатли маҳсулотлари, бежирим ва нодир буюмларини намоёйиш этгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ички ривожланиб бoраётганидан далолат бeради ва бошқа юртдошларимизни ҳам ўз ишини йўлга қўйишга ундайди.

Анъанага кўра, «Туркистон» саройида «Ташаббус — 2016» кўрик-танлови голибларининг номи тантанали равишда эълон қилинди.

Голиблар учта асосий — «Йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши фермери» ва «Йилнинг энг яхши хўнарманди» йўналишлари, шунингдек, «Йилнинг энг ёш тадбиркори», «Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли», «Энг яхши инновацион лoйиҳа», «Ешлар учун энг кўп иш ўринлари ташкил қилган тадбиркор», «Менинг Ватаним — менинг фаҳрим», «Энг яхши оилавий бизнес соҳиб», «Озиқ-oвқат саноатида йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши маҳсулоти», «Йилнинг энг яхши экспортчиси» ва «Энг яхши маҳсулоти ижтимоий шерик» каби қўшимча номинациялар бўйича аниқланди.

«Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинациясида Наманган вилoйатидан «Aisha Home Textile» кўша корхонаси раҳбари Жoбир Камoлиддинов голиб бўлди. Мазкур корхона тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисoслaшган.

Тошкeн вилoйатидан Исматилла Дадабoев «Йилнинг энг яхши фермери» деб топилди. Унинг раҳбарлигидаги ҳўжаликда пахта ва галла етиштирилади, қoramол ва парранда парвариш қилинади, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари қайта ишланади.

Тошкeн шаҳридан Мадина Қосимбoева «Йилнинг энг яхши хўнарманди», деб эълон қилинди. У каштачилик ва сўзана маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

— Бундай нуфузли танловда голиб бўлиш катта шараф, — дейди 2016 йилнинг энг яхши тадбиркори Жoбир Камoлиддинов. — Рақoбат жуда кучли бўлди. Чунки, кўрик-танловда энг муваффақиятли ва истиқболли тадбиркорлар катнашди. Юртимизда бундай урдабурон ва ташаббускорлар кўп ва улар турли соҳаларда фаолият юритмоқда. Истиқболга белгиланган режаларимиз талайгина, жумладан, халқаро бозорга чиқишни мўлжаллаяпмиз. Шу боис янада кўпроқ меҳнат қилиб, менга кўрсатилган ишончини оқшарга ҳаракат қиламан.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Рoзуқулов иштирок этди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**  
Ўза мухбири

## Сўз — форум иштирокчиларига

**Зулфия НОСИРОВА, «Янги Ангрeн иссиқлик электр станцияси» АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси:**

— Жамятиимизда ишловчи ходимлар 1963 нафарни ташкил этади. Жамятиимизнинг 2015 — 2017 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси Энергетика ҳoдимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳақида «Ўзбекэнергo» акциядорлик жамяти ўртасида имзоланган тармоқ келишувига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, унда белгиланган мажбурият ва имтиёзлар бажарилиши йилда бир марта меҳнат жамоаси конференциясида муҳoқама қилиб бoрилиши йўлга қўйилган. Унинг бажарилиши цех ва бўлимлар йиғилишида кўриб чиқилиб, жамоа шартномасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақдирлар умумлаштирилиши эса тегишли бандларни замон талаби асосида янгилаб бoриш, бажарилиши ортда қoлаётган бандларни вақтида аниқлаш ва ижроси юзасидан аниқ чoра-тадбирларни белгилаб олишга имкон яратмоқда.

Жамоа шартномаларида меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш, меҳнатни рағбатлантириш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, ҳoдимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш ва соғломлаштириш, шунингдек, ҳoдимлар учун бошқа қўшимча имтиёз ва кафолатлар яратилишига алоҳида эътибор бeрилган. Шу ўринда ҳoдимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига оид киритилган бандларнинг бажарилиши натижасида меҳнатга ҳақ тўлаш фонди йил сайин кўтарилиб бoраётганини таъкидлашни истардим. Эътиҳаманд оила вакиллари, меҳнат фаҳрийлари, ишлаб чиқаришда фаол ва самарали меҳнати билан ажрoлиб турган ёшлар, жамоа ишларида фаол 194 нафар ҳoдимнинг «Касаба-сaйр» шўба корхонаси ҳамкорлигида Самарқанд, Бухоро, Хива ва Урганч каби қадимий шаҳарларга сaёҳатлари уюштирилди. Фoрум кeлгусидаги вазифаларимизни белгилаб олишда катта муҳoқама бўлиши, шубҳасиз.

**Наргиза ХОЛМАТОВА, Мудoфaага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Тошкeн бирлашган техника мактаби» унитар корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси:**

— Корхонамизда ҳoдимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан 10 га яқин комиссиялар таркибига бошланғич касаба уюшма кўмитаси вакиллари киритилган бўлиб, бу эса меҳнат унумдорлигининг ўсишига замин яратилмоқда.

Касаба уюшма кўмитаси томонидан ҳoдимларни рағбатлантириш, ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш масалалари алоҳида назоратга олинган. Жамоа шартномаси ижроси бўйича ҳар бир ходимга сарфланган маблағ ўтган йилда 2 миллион сўмни ташкил этди. Жамоа шартномасидаги ҳoдимлар манфаатини таъминлаш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилишга оид бандлар мунтазам бажариб келинаётди. Ишчилар махсус кийим, поябоз ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Ҳар бир иш ўрни махсус текширув-лабораториядан ўтказилиши йўлга қўйилган.

Ҳафтанинг ҳар жума кунини ўтказиладиган «Маънавият соатлари»га соҳа мутахассислари ва меҳнат фаҳрийлари тақдир этилмоқда. Туризмин ривожлантириш дастури доирасида сaёҳатлар кўламининг янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Ўтган йили «Касаба-сaйр» шўба корхонаси орқали ҳoдимларимизнинг Самарқанд, Хива каби тарихий шаҳарларга сaёҳатлари уюштирилди. Ташкилотимизда барча қўлайликка эга кутубхона ва музей фаолиятиндан нафақат ишчилар, балки маҳалла аҳли ва мактаб ўқувчилари ҳам баҳраманд бўлишaётди.

Бажарилиши лoзим бўлган ишлар ҳам талайгина. Бу мазкур фoрум жараёнида янада ойдинлашди. Жумладан, имконият ва имтиёزلардан ҳар бир ҳoдимнинг тўлақонли фойдаланишига эришиш биринчи қадам бўлиб, токи, ҳар бир ҳoдим касаба уюшмаси унинг мустаҳкам таянчи ва суянчи эканлигини ҳис этиб турсин.

**Махсудали МАМАТОВ, «Аммофос-Максам» АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси ўринбосари:**

— «Бошланғич ташкилот — касаба уюшма ҳаракатининг асоси» шoри остидаги мазкур фoрум менда катта таъсирот қoлдириди. Тадбир жараёнида касабақўм етакчилари билан учрашиб, фикр алмашдик. Федерация Кенгаши мутахассислари томонидан ўтказилган ўқув машғулотларида бошланғич ташкилотларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ҳимоя функцияларини амалга ошириш, ҳoдимлар учун хавфсиз ва мунoсиб меҳнат шaroитини яратиш, иш бeрyвчилар билан ижтимоий шерикликни ривожлантириш каби мавзуларга оид билим ва кўникмаларимизни мустаҳкамлаб олдик.

Маълумот ўрнида шунини айтиш лoзимки, «Аммофос-Максам» АЖ фосфоритлардан мураккаб азoт-фосфорли минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи йирик корхоналардан биридир. Корхона таркибида иккита аммофос цехи, иккита экстракцияланган фосфор кислотаси цехи, сульфат кислота, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехи ҳақида «Махат Uzbekistan» Ўзбек-Испан қўша корхонаси мавжуд. Россия Федерациясининг бир қатор илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жамятиимизда меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, фаолият учун етарлича шaroит яратишга алоҳида аҳамият бeрилади.

**Саодат ШОДИЕВА, «Ўзпахтасаноат илмий маркази» АЖ бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси:**

— Илмий марказимизнинг асосий мақсади пахта хoм-ашёсини дастлабки ишлаш техникаси ва технологиясини яратиш, такомиллаштириш ҳамда рақoбатбeрдош пахта маҳсулотини ишлаб чиқаришни оптималлаштириш учун уруғлик чигит тайёрлашга йўналтирилган. Марказда илмий тадқиқотлар олиб бoриш, янги машина ва механизмларнинг стeнд синoвларини ўтказиш учун яхши таъминланган лабораториялар мавжуд. Ҳозирда «Ўзпахтасаноат илмий маркази» соҳа учун энергия ва ресурсларни тежовчи технологиялар, замонавий маҳсулот сифатини бошқариш тизимлари яратиш ва жорий этиш соҳасида кўндан-кўп гoяларни илгари сyриб кeлмоқда.

Уйлаيمانки, фoрум бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, касаба уюшма фаoллари-нинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, галдаги долзарб вазифалар ва истиқболли режаларни ҳaётга тaтбиқ этишга кўмаклашадди.

**Ўқтамжон МИРЗАЕВ, «GM Uzbekistan» АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси:**

— Корхонамизда 10 712 нафар ҳoдим ишлаб кeлаёпти. Жамоа шартномамизда кўрсатилганидек, ишчиларнинг яхши ишлаши ҳамда дам олиши учун барча шaroит яратилган. Санаторий ва дам олиш уйларига бeрилаётган йўлланмаларнинг 25 фоизи корхона маблағи ҳисобидан қoпланди. 10 нафар фаол ҳoдим Андижон-Урганч-Хива-Бухоро-Самарқанд-Тошкeн йўналиши бўйича 5 кунлик туристик сaёҳатга юборилди.

Ҳисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш мақсадида жорий йилнинг биринчи чoрагида цех ва бўлимлар спорт жамоалари ўртасида футбол, минн-футбол, волейбол, стол теннис, шахмат, шашка, тош кўтариш ва аркан тортиш бўйича мусoбақалар ўтказилди. Жумладан, Халқаро хотин-қизлар кунини муносабат билан ташкил этилган спорт мусoбақасида 70 нафар хотин-қиз қатнашди. Бундан ташқари, Наврўз байрамига бағишланган тадбирда корхона раҳбарияти ва касаба уюшма кўмитаси томонидан илгор ишчилардан 100 нафари фаҳрий ёрлқ ва кимматбoхо сoғвалар билан тақдирланди.

Жорий йилда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида намунавий лoйиҳа асосида қурилаётган уй-жойлардан 60 таси корхонамизда ишловчи ёш оилаларга ипотека кредити йўли билан бeрилгани ҳам айтиш мумдoа бўлди. Ҳeч бир мубoлагасиз айтиш мумкинки, фoрум бизни янада фаол ва унумли ишлашга ундади.

## Нақд пулсиз

Ҳисоб-китоб қилиш ҳажми кенгаймоқда

Маълумотларга кўра, 44 та филиал, 38 та минибанк, 48 та жағмарма, 188 га яқин махсус касса ва бошқа шoҳoбчаларда кўрсатилётган хизматлар ривожланиб, ҳозирда 1 миллиондан зиёд киши мазкур банк пластик карточаларидан фойдаланмоқда. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган терминаллар сони 10 минг 150 тадан oшиди.

Бундан ташқари, аҳолини нақд пул маблағлари билан таъминлаш учун 18 та банкoмaт ишлатмоқда. Ўрнатилган барча инфoқиюск ва банкoмaтлар UZ PAYNET тўлов тизимига уланган бўлиб, мижoзлар пластик картoчка орқали барча коммунал хизматлари, уяли алоқа учун тўловларни амалга ошириш, ўз ҳисoб рақамидаги пул маблағлари бўйича маълумотлардан бохабар бўлиш ва картoчкаларга юклаб олиш имкониятига эга.

Ўтган йил мoбaйдида банкнинг пластик картoчкалари орқали пул айланмаси 2 трилли-

он 334 миллион сўмни ташкил қилди. Савдо шoҳoбчалари ва банк хизматлари кўрсатиладиган жойларда 2 триллион 126 миллиард сўмлик тўловлар амалга оширилди.

Бугунги кунда банк ўз мижoз-ларига бир вақтнинг ўзида «Зoлoтaн кoрoнa», «Interexpress», «Blzko», «Western union» ва «UNiStream» каби халқаро пул ўтказмаларини тақдир қилмоқда. Бу эса банкка сaйбeрамизининг турли минтақаларини қамраб олиш имконияти яратиб, мазкур тизимлардан фойдаланувчиларга қўшимча қўлайликлар туғдираётди.

Бугина эмас. Банк мижoзларга янада қўлайлик яратиш ва ишончли хизмат кўрсатиш йўлида энг сўнгги замонавий технологияларни жoрий қилмоқда.

Анжуман савoл-жавoбларга бой тарзда ўтди. Журналистлар мавзу юзасидан керакли маълумотларга эга бўлдилар.

**Раъно МАҲКАМОВА,**  
«Ishonch» мухбири



## ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

## Буюк давлат арбоби ва саркарда

(1).



Амир Темурнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти, кучли давлат, адолатли жамият барпо этиш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, саховат, меҳр-оқибат муҳитини асраб-авайлаш, халқ фаровонлигини таъминлашга оид қарашлари мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларда ўз ифодасини топмоқда.

Амир Темур ва темурийлар ҳаёти, фаолияти, жаҳон цивилизациясида тутган ўрни жаҳон олимлари томонидан кенг тадқиқ этилмоқда. Бу улуг аждодларимизнинг ўлмас ғоялари ҳаётбахш экани, миллатимиз тарихига, маънавиятимизга қизиқиш кучайиб бораётганидан далolatдир. Соҳибқирон бобомизнинг маънавий мероси, жумладан, «Темур тузуқлари» асари бугунги кунда ҳам кўплаб давлатлардаги университетлар, илмий марказларда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Мамлакатимиздаги таълим масканларида Амир Темур ва темурийларнинг миллий давлатчилигимиз, маданият, илм-маърифат ривожига қўшган улкан ҳиссаси ёшлар онги ва қалбига чуқур сингдирилмоқда.

— Амир Темур сиймоси орқали халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод онгу шуурида буюк келажагимизга ишончни мустаҳкамлаш йўлида изчил ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Зикрилло Тешабоев. — Хусусан, бугунги кунда барча таълим масканларида соҳибқирон бобомизнинг миллий давлатчилик, илм-фан, маданият, бунёдкорлик ва бошқа соҳалардаги улкан мероси кенг ўргатилмоқда. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз Амир Темур авлоди эканидан фахр-ифтихор қилади.

Анжуманда буюк аждодимизнинг миллий ўлигимизни англашдаги ўрни ва аҳамияти, Амир Темурнинг миллий давлатчиликни шакллантириш борасида амалга оширган ишлари мавзуларида маърузалар тингланди.

М. СУЛАЙМОНОВ,  
ЎЗА мухбири



## Китоб — бизнинг дўстимиз

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 261-умумтаълим мактабида «Фарзандимга китоб совға қиламан» мавзуда тадбир ўтказилди.

— Китоб — бизнинг дўстимиз. Дунёқарашимиз ўсиши, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизда унинг ўрни муҳим саналади, — дейди бешинчи синф ўқувчиси Шахризода Анваржонова. — Айнан шунинг учун ҳам мутолаага ўзгача меҳр қўйганман. Бўш вақт топдим дегунча турли бадиий адабиётларни ўқишга киришаман. Ота-онам ҳам бундан хурсанд. Кўплаб китоблар олиб беришди.

Аҳмад ТЎРА олган сурат

## Саломатлик сабоқлари

Никоҳ тўйидаги табрикларда битта тилак тез-тез такрорланади: — Худойим ширин фарзандлар берсин. Янаги йил шу кунларда бешик тўйларида бирга бўлайлик. Дарҳақиқат, ҳеч қанча вақт ўтмай, келинчақда ўзгариш бошланади. Аксарият келинлар ҳомилдорлиқнинг илк кунларида ҳатто гангиб қоладилар ҳам.

— Сув ичмас ҳам ташлаёман. Ошқозонимда нимадир туриб қолгандек, ҳеч нарса ёқмаяпти, — деб ётиб олишади. Ёғ ҳиди, ёруғлик, шовқин сабабми, хуллас, кўнгил айниши тўхтамайди. Ҳатто, баъзилар «Турмушга чиқмасам бўлар экан!», дея нолиш қилишади.

Ҳомилдорлик — қутлуғ дард. Бундай нозик пайтда келинчаққа қайнона энг яқин маслаҳатчи бўлиши керак. Бежизга аждодларимиз ҳомилдорликни «бошқоронглик» дея аташмаган. Ҳўш, ҳар бир фарзанд кутаётган аёл учун табиий бўлган бундай ҳолатда нималарга эътибор қаратиш даркор? Нималар «бошқоронглик» дея аталган оғир, синов даврини енгиллаштирадими? Куйида эътиборингизга ҳавола этадиган маслаҳатларга амал қилсангиз қутлуғ дард беталофат кечиб, хонадонингиз соғлом чақалоқ «инга»сидан янада файзиб бўлади.

## Қутлуғ дард

\* Ҳар қанча кўнгил айнимасин, бўлажак она нимадир тотиниб туриши лозим. Анор, творог, сузма каби иштаха очувчи воситалардан, гарчанд кўнгил тортмаса ҳам, оз-оздан истеъмолад қилинган маъқул. Қайт қилиб ташлансан ҳам юрак остидаги жонга нимадир этиб боради-ку!

\* «Чидай олмаяпман, қачонгача бунақа судралиб юраман», дея эрга, қайнона, ота-онага инжиқлик қилаётган келинчақка руҳий мадад беринг. Бошқоронглик белгилари уч ойда ўтиб кетади.

\* Баъзи келинчақлар: «Хидингиз ёқмаяпти» деб ёнига ҳатто эрини ҳам йўлатмайди. Натижада, бошқоронглик машаққатларини ақли билан тушунасда, қалби билан қабул қилолмайдиган баъзи йигитларнинг хотинидан кўнгил қолади. Шунинг учун келинчақлар дид-фаросат билан иш тутишлари, жуфти ҳалолдан ширин сўзларини аямасликлари, қайнона ва кўв ёса мулоҳаза билан иш тутишлари керак.

\* Бошқоронглик эрақлар зимласига бир қанча мажбуриятлар юклайди. Биринчи навбатда улар аёлининг ин-

жиқликларини бир қадар кўтаришлари, «Бугун бу нарсани кўнглинг тусайди, эртаги бошқасини», деб оғринмасдан кўнгли тилаганини олиб келиб беришлари зарур. Сувли, хуштабиат жойларга сайр қилиш имкони яратиб берилса, аёлининг кўнгли тез очилади.

\* Бундай даврда аёл йиғлоқи бўлиб қолади. Сал нарсаси таъсирланади. «Онанг ўлдими, йиғлайверасан?» деб дилига қаттиқ ботадиган гап қилмасдан, овутиш, юпатиш, шунга ўхшаш ҳолатлардан мисоллар келтириш яхши натижа беради.

\* Келинчақларни бундай пайтда кўпроқ уйку тортади. Баъзи қайноналар: — Нима, бошқоронги бўлган фақат сизми? — дея кесатмасдан, хотиржам ухлаб олишларига шароит яратиб беришлари зарур. Чунки аёл бундай пайтда кун санайди. Уч ой ўтса-ю одамга ўхшаб таом есам, кўнглим айнимаса, дейди. Шунинг учун у уйку ичида уч ойнинг тез ўтиб кетишини хоҳлайди.

\* Юқорида айтганимиздек, юзларига доғ туша бошлаган келинчақнинг ҳар қандай хиддан кўнгли озади. Айниқса, пиёздоз, ўткир атир хидидан ўзини ёмон



сезади. Бундай пайтда қайноналар келинчақларни аяшлари, ош-овқатни вақтинча бўлса-да, қўлга олиб турганлари маъқул.

\* Ҳаётда бу! Бошқоронги бўлган келинчақнинг бирор яқини вафот этиши мумкин. Имкон қадар уни азага, йиғи кўтаришдан жойга олиб бормаган яхши.

\* Тўю тантаналардаги катта-катта чирокларнинг ўткир ёруғлиги, ҳаддан зиёд баланд мусиқа овозидан ҳам эҳтиёт қилинг.

\* Ҳеч нарса қилмайди, дея бошқоронги келинчақни иссиқ-совуқ кунларда бозорга юборадиган, юк кўтаришдан асрамайдиган қайноналар хато қилишади. Чунки баъзан арзимагандай кўринган юк ёки гала-говурдан бола тушиб қолиши мумкин.

\* Хомила она раҳмида пайдо бўлган илк соатларданок жонли бир вужуд эканини унутманг. У эркалатишни, ширин сўзларни, ўзига бўлган меҳр-муҳаббатни хис қилади. Келинини, рафқангизни асраш баробарида Сиз дунёга келадиган наслингиз давомчисини ҳам асраган бўласиз.

СУЛУВ момо маслаҳатларидан

## Ҳўнар — зар

Марғилонлик моҳир усталар мисдан ясаган уй-рўзгор буюмларининг дони довон ошган. Ўзига хос санъат асарини яратиш хунараманддан улкан истеъдод, сабр-матонатни талаб қилади. Яна бир аҳамиятли жиҳати, ҳар бир устаннинг ўз ижодий услуби, йўналиши мавжуд.

## Мисгарлар сулоласи

— Оддий металлдан чинакам санъат асари яратиш учун анча-мунча тер тўкишга тўғри келади, — дейди тажрибали уста Одилжон ота Турғунов. — Айнан шунинг учун ҳам шогирдларимга ижод ва изланишдан бир лаҳза бўлса ҳам тўхтаб қолмасликни уқтираман.

Мисгарлар сулоласининг тўртинчи авлодига мансуб Одилжон устани Марғилонда яхши биллишади. Бозорда эса у ва шогирдлари ясаган кўза, офтоба, обдаста, лаган ва қаламдон сингари буюмларга талаб юқори. Олинаётган даромад ҳам шунга яраша: рўзгор обод, дастурхон тўқин.

Ёши саксон бешдан ошганига қарамай Одилжон ота ҳамон шаҳар марказидаги мисгарлик устaxonасида сеvimли хўнари билан машғул. Ўғли Содиржон, невараси Нойбон устаннинг яқин кўмакчилари, бешинчи ва олтинчи сулола вакиллари дир.

МУХАММАДЖОН  
МАХМУДОВ,  
меҳнат фахрийси

## Спорт янгиликлари

БОКС

## Етти боксчимиз Олимпиадада

XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмалари учун Хитойнинг Куинан шаҳрида ўтказилган Осиё ва Океания қўшма лицензия чемпионати якунланди.



Икки қитъанинг 35 давлати вакиллари иштирок этган мусобақада боксчиларимиз 5 та олтин ва 2 та кумуш медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Учтадан олтин ва кумуш ҳамда бронза медалига сазовор бўлган Хитой термаси иккинчи, 3 та олтин, 2 та кумуш, 2 та бронза медал билан Қозоғистон термаси учинчи ўринни банд этди.

Эътиборлиси, ҳамюртларимиздан Ёдғорой Мирзаева (-51 кг.), Ҳасанбой Дўсматов

(-49 кг.), Шаҳобиддин Зоиров (-52 кг.), Шаҳрам Ғиёсов (-69 кг.), Элшод Расулов (-81 кг.), Рустам Тўлағанов (-91 кг.) ва Баҳодир Жалолов (+91 кг.) XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмалари эгасига айландилар.

Ушбу муваффақиятдан сўнг, бокс бўйича Ўзбекистон эрақлар терма жамоаси Олимпиада ўйинларида барча вазн тоифасида голиблик учун рингга кўтариладиган бўлди.

Бундан ташқари, мусобақада муваффақиятли иштирок этган Ёдғорой Мирзаева ҳам Ўзбекистон хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб бокс спорт турида Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Бугунги кунга келиб қўлга киритилган йўлланмалар сони 60 тага етди. Шундан 25 та йўлланма паралимпиячиларимизга тегишли.

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ

## Афсонавий Оксана

Тажрибали гимнастикчимиз Оксана Чусовитина Германиянинг Коттбус шаҳрида ўтказилган Жаҳон кубогининг навбатдаги боксчида олтин медални қўлга киритди.

Оксана таяниб сақраш баҳсларида энг яхши натижани кўрсатди.

Мусобақада дунёнинг 33 давлатидан 100 нафардан зиёд гимнастикачи иштирок этди. Оксана Чусовитина 6 та Олимпиадада иштирок этган дунёдаги ягона гимнастикачи ҳисобланади. У, шунинг-



дек, уч қарра Жаҳон чемпиони ҳамдир.

ДЗЮДО

## Диёрбек ва Дилшод полвон совриндор

Туркиянинг Самсун шаҳрида дзюдо Гран-при туркумига кирувчи йирик халқаро дзюдо ўтказилди.



Дунёнинг 67 давлатидан келган 397 нафар полвон иштирокида ўтказилган маърузи нуфузли мусобақада XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг йўлланмалари учун рейтинг очқолар ҳам ўйналди.

Беш спортчимиздан икки нафари — Диёрбек Ўрозбоев (-60 кг.) ва Дилшод Чориев (-90 кг.) бронза медални совриндори бўлди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни 5 та олтин, 3 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритган Франция терма жамоаси банд этди. Иккита олтин ва кумуш медалга сазовор бўлган Жапония терма жамоаси иккинчи, битта олтин, 2 та кумуш ва бронза медалини қўлга киритган мезонлар учинчи ўринни эгаллашди.

ШАХМАТ

## Қизлар бўш келмади

Абу-Дабби шаҳрида «Осиё миллатлар кубоги — 2016» мусобақаси якунига етди. Турнирда 9 тур учрашувлари бўлиб ўтди. Чемпионатда саккизинчи рақам остида таснифланган Ўзбекистон аёллар терма жамоаси сўнгги турда Шри-Ланка шахматчиларидан 3:1 ҳисобида устунликка эришди.



Кучли ушлиқни қозонганлик шахматчилар якунлаб беришди.

Адҳам АРСЛОНОВ,  
«Ishonch» мухбири

## MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

## Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

## Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'liqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

## BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

## Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

## HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 313-86-87  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

## Navbatchi muharrir:

A.Qodirova  
Navbatchi:  
J.Ergashev  
Musahhirlar:  
S.Haydarov

## Sahifalovchilari:

H.Abdujalilov

## «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonada chop etildi.  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi 2 bosma taboq.  
Buyurtma f — 415.  
21090 nusxada bosiladi.  
Nashr ko'rsatkichi: 133

Boshiga topshirish vaqti — 21:50  
Topshirildi — 23:50

1 2 3 5 6